



# MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMİYASI İLMİY JURNALI



## Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизими муаммолари ва ҳал этиш йўллари

**Ачилов Уйғунжон Улугбекович**

Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

Ёзишмалар учун электрон почта: [uygunachilov@gmail.com](mailto:uygunachilov@gmail.com)

### Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 26.11.2022  
Қабул қилинган вақти: 29.12.2022

**Таянч сўз ва иборалар:** пенсия, пенсия таъминоти, пенсия жамғармаси, молиявий барқарорлик, пенсия ёши, меҳнат стажи, эконометрик модел, ўртacha пенсия миқдори.

### Аннотация

Мазкур илмий мақолада Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизими муаммолари тадқиқ қилинган. Пенсия таъминоти тизими муаммоларини юзага келтирувчи сабаблар ва омиллар аниқланган, таҳдил қилинган ҳамда уларни ҳал этишга қаратилган холоса ва таклифлар ишлаб чиқилган. Тадқиқотда бир неча мамлакатларнинг пенсия тизими кўрсаткичлари ва амалдаги ҳолати ўзаро таққослаш орқали тегишли холосалар шакллантирилган. Пенсия тизимининг келгуси истиқболини белгилашда фойдаланиш учун тегишли эконометрик модел тузилган. Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда жамғарманинг даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини кўрсатувчи математик тенглама шакллантирилган.

## Problems of the pension system in Uzbekistan and ways to solve them

**Achilov Uygunjon Ulug'bekovich**

Independent researcher of Tashkent Institute of Finance  
Corresponding author: email: [uygunachilov@gmail.com](mailto:uygunachilov@gmail.com)

### ARTICLE INFO

Received: 26.11.2022

Accepted: 29.12.2022

### Abstract

This scientific article examines the problems of the pension system in Uzbekistan. The reasons and factors causing the problems of the pension system were identified, analyzed, and conclusions and proposals aimed at solving them were developed. In the study, relevant conclusions were formed by comparing the indicators of the pension system and the current situation of several countries. An appropriate econometric model has been developed for use in defining the future perspective of the pension system. A mathematical equation has been formulated to ensure the financial stability of the pension fund and show the proportionality of the fund's income and expenses.

## Кириш

Халқаро амалиёт кўрсатишича, пенсия тизими дунё аҳолисини ижтимоий таъминоти соҳасидаги энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, демографик омилларни ҳисобга олган ҳолда пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ногиронлик

ва боқувчинини йўқотганлик пенсияларини тайинлаш билан боғлиқ муаммоларни оқилона ҳал этиш, айниқса, бугунги шароитда долзарб аҳамият касб этмоқда. Жаҳон банки (World Bank) ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO – International Labour Organization) маълумотларига кўра, «жаҳон миқёсида пенсия ёшига

етган шахсларнинг 68 фоизигина пенсия таъминоти билан қамраб олинган, бироқ аксарият мамлакатларда бундай тўловларнинг ҳажми кексаларнинг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш ва камбағалликдан қутилишига имкон бермайди»[1]. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг маълумотларига кўра, «2035 йилга келиб, дунё аҳолисининг 13 фоизини ташкил этадиган 1,1 миллиард киши 65 ёшдан ошади»[2].

Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мавжуд пенсия тизимини ислоҳ этиш заруратини юзага келтирди. Хусусан, аҳолининг ўртача умр кўриш даврининг узайиб бориши ва шунга монанд равишда пенсионерлар сонининг кўпайиб бораётганлиги, тўлиқсиз иш стажи билан пенсияга чиқаётганлар сонининг ўсиш тенденциясига эга эканлиги, фуқароларнинг ёшга доир пенсия миқдори билан меҳнат стажи ўртасидаги боғлиқликнинг заифлиги, нодавлат пенсия таъминотининг шаклланмаганлиги каби омиллар фуқароларнинг давлат ижтимоий суғуртасидаги иштирокига салбий таъсир ўтказади ва давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этади.

## Адабиётлар шарҳи

Пенсия таъминоти тизими муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борган бир гуруҳ хорижий иқтисодчилардан Bloom, D.E., Chatterji, S., Kowal, P., Lloyd-Sherlock, P., McKee, M., Rechel, B., Rosenberg, L., Smith, J.P. кабилар фикрича, «кексалар улушкининг ортиши уларнинг парвариши ва соғлиғи учун харажатларни ҳам ортишига олиб келади, бу эса пенсия тизимида пенсия тўлови билан боғлиқ юкламани оширади, пировардида пенсия таъминоти сиёсатини қайта кўриб чиқилишини тақозо қиласди»[3].

Маҳаллий иқтисодчи-олимлардан Д.Рустамов, Б.Маматовлар мазкур муаммони юмшатиш учун халқаро меҳнат ташкилоти тавсияларига риоя қилиш зарурлигини таъкидлашади. «Унга кўра ёши катта инсонлар ҳар куни 30-40 дақиқалик соғломлаштириш машқларни бажаришларни ва кунига 2-3 километр пиёда юриш муҳимдир. Бу организмда ҳазм қилиш, юрак хуружи, қон томир ва саратон каби жиддий касалликлардан ҳимоя қилишга, кислород билан таъминлаш ва метаболизмни яхшилашга имкон беради, натижада, пенсия тўлови билан боғлиқ юкламани қисман камайтиради»[4].

Иқтисодчи-олимлардан Goh, S.K., McNow, R., Wong, K.N.лар томонидан аҳолининг ёш тақсимотидаги ўзгаришлар муҳим макроиқтисодий таъсирга эга эканлиги тадқиқотлар орқали исботланган ва асосланган. Уларнинг фикрича, «узоқ давр мобайнида ички инвестициялар, реал ЯИМ, инфляция, солиқ баланси ва жорий операциялар балансига демографик ўзгаришларнинг таъсири статистик жиҳатдан аҳамиятли ва жуда кучли»[5].

Рараретоу, Е., Tsalaporta, Р. каби олимларнинг илмий тадқиқотларида «умр кўриш даражаси

узайишининг салбий таъсирини юмшатиш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқишида меҳнат бозори сиёсати, пенсия ислоҳотлари, инсон капиталига кўпроқ инвестициялар ва технологик инновацияларга устувор аҳамият берилиши зарур»[6] лиги алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон миллый пенсия таъминоти тизимини тадқиқ қилган иқтисодчилардан Ш.Ражабов, АҲайдаров, Ж.Турсунов, Д.Шолдоров кабилар миллый пенсия тизимдаги мавжуд бир қатор муаммоларга тўхталиб, уларни бартараф этиш борасида таклифларини беришган. Жумладан, миллый пенсия тизимидағи муаммолар сифатида кексайиш ва аҳолининг камайиши, натижада ишловчилар томонидан пенсия тизимига ўтказмаларининг камайиши, узоқ даврдан буён пенсияга чиқиш ёшининг демографик ўзгаришларга мутаносиб қайта кўриб чиқилмаганлиги, пенсия таъминоти тизими молиявий барқарорлиги ишончли эмаслиги кабилар қайд этилган.

Пенсия таъминотининг давлат томонидан молиялаштирилишининг етарли эмаслиги асосий муаммолардан бири ҳисобланади. «Бу борада пенсия тизими молиялаштиришнинг бир вақтнинг ўзида уч йўналиши: минимал пенсияни кафолатлайдиган давлат пенсия тизими, профессионал ассоциация ёрдамида ўзининг иш берувчиларга қўшимча пенсияни шакллантириш, фуқаролар имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда алоҳида, хусусий пенсия фондлари ташкил этилиши зарур»[7].

«Бўлажак пенсионерларнинг пенсия ёшига етганида етарли даражада пенсия билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда давлат кафолати остида нодавлат пенсия фондларини ташкил қилиш»[8], «уч босқичли пенсия тизимини жорий этиш»[9] мақсадга муфовиқ эканлиги асослаб берилган.

Иқтисодчи-олимларнинг қайд этишларича «ўртача пенсия миқдори нисбатан кичиклигининг асосий сабабларидан бири пенсия миқдорини ҳисоблашда унинг базавий миқдорига нисбатан белгиланган чеклов сабабли иш ҳақи миқдори мутаносиб равишида пенсия миқдорига бевосита боғлиқ бўлади. Мазкур чекловни келгусида босқичма-босқич бекор қилиш мақсадга мувофиқdir»[10].

Пенсия таъминоти тизимининг молиявий ҳолати энг муҳим масалалардан ҳисобланади. «Миллый пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашда демографик омиллар, ижтимоий суғурта тизимида аҳолининг муносиб иштирокини таъминлаш ҳамда пенсия таъминотини молиялаштиришда самрасиз воситалар мавжудлиги, шунингдек, ижтимоий суғуртадаги рағбатлантируви механизmlарнинг заифлиги асосий омиллардан бўлиб майдонга чиқиши»[11] таъкидланади.

## Тадқиқот методологияси

Тадқиқоти амалга оширишда қиёсий ва таркибий таҳлил, индукция ва дедукция, иқтисодий-статистик, эконометрик, эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилди.

## Таҳлил ва натижалар мұхокамаси

Узоқ даврдан буён дүнөнинг аксарият мамлакатларида пенсия таъминоти ахоли томонидан ҳукуматта эңг күп әзтиrozлар билдириладиган ва жамият аязолари томонидан танқид қилинадиган тизимлардан бири бўлиб қолмоқда. Пенсия тизимида ислоҳотларга жамиятнинг бу каби әзтиrozлари дүнөнинг аксар бошқа мамлакатларида ҳам мавжуд. Бу каби норозиликлар пенсия тизимида ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб ижтимоий, молиявий ва ҳуқуқий муаммоларнинг мавжудлигини тасдиқлайди. Муаммолар эса тизим фаолиятини такомиллаштириш ва яхшилаш зарурлигини тақозо этади.

Охирги йилларда Ўзбекистон пенсия таъминоти тизими ҳам такомиллаштириш ва ислоҳотга муҳтоҷлиги давлат даражасида әзтироф этилди ҳамда тизимда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди, хусусан, ишловчи пенсионерларга пенсияларнинг тўлиқ миқдорда тўланиши, пенсия миқдорини аниқлаш учун ҳисобга олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг юқори чегарасининг оширилиши кабилар шулар жумласидандир. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, «миллий пенсия тизимини такомиллаштириш, ижтимоий суғурта тизимини илоҳ қилиш, шунингдек, уч босқичли пенсия таъминоти тизимиға ўтиш зарурлиги»[12] мамлакат Президенти томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Юқорида таъкидланганидек, жамият аязоларининг каттагина сегменти ҳукуматнинг пенсия тизимида сиёсатидан норози эканлиги ва ҳукумат томонидан аксарият ҳолларда жамият аязолари томонидан салбий қабул қилинадиган пенсия илоҳотларини амалга ошираётгандиги билан боғлиқ муаммоларнинг сабаблари нималардан иборатлиги ва унинг ижобий ҳал этилиши мұхим аҳамиятга эга.

Пенсия таъминотидаги мавжуд муаммолар кенг қамровли бўлиб, улар ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий, ҳам молиявий аҳамият касб этади. Ижтимоий аҳамияти шундаки, пенсия тўловлари ахолининг ижтимоий таъминотга муҳтоҷ аязоларига берилиши нуқтаи назаридан тўловларнинг чекланиши ёки кечикирилиши жамиятдаги ижтимоий барқарорликка салбий таъсир қиласи, иқтисодий аҳамияти шундаки, пенсия таъминотининг аксарият даромадлари бадаллар ва мажбурий тўловлар ҳисобига шакллантирилди, уларнинг оширилиши эса ишлаб чиқариш учун йўналтириладиган ресурсларни қисқартиради, молиявий жиҳатдан эса пенсия таъминоти маблағлари кенг кўламда инвестицион фаолиятда фойдаланилади. Пенсия тизими демографик омиллар билан узвий боғлиқлиги сабабли кўп ҳолларда муаммолар узоқ давр мобайнида етилиб келади, шунинг учун ҳам уларни ҳал этиш ҳам узоқ даврни талаб қиласи.

Пенсия таъминоти муаммоларини тадқиқ қилиш учун тизим фаолиятига оид бир қатор масалаларни ўртага ташлаш мақсадга мувофиқ назаримизда: «жамиятнинг барча аязолари пенсия олиш ҳуқуқига эгами (эга бўладими)?», «пенсия миқдори нормал

турмуш кечириш учун етарлимис?», «пенсия таъминоти тизимининг молиявий ҳолати барқарорми?» ва ҳоказолар.

Пенсия таъминоти тизими муаммолари жаҳонда узоқ давр мобайнида тадқиқ қилиб келинган. Тадқиқотчилар миллий пенсия тизимидағи муаммоларни мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий, демографик ва молиявий ҳолат билан боғлаган ҳолда тадқиқ қилишади.

Пенсия тизимидағи муаммоли жиҳатларнинг аксарияти демографик вазият билан боғлиқдир. Охириг 6-10 йил ичидан жаҳон ахолиси таркибида 60 ёш ва ундан катталарапнинг улуши 8 фоиздан 10 фоизга кўтарилиди, келгусида бу ўсиш шиддат билан давом этиши прогноз қилинмоқда.

Миллий пенсия таъминоти тизимида қандай муаммолар мавжудлигини тадқиқ қилиш учун пенсия таъминоти тизимиға қаратилган куйидаги масалаларни кўриб чиқиш, таҳлил қилиш, таққослашни мақсадга мувофиқ деб ҳисблаймиз:

- пенсия тизимида демографик омиллар билан боғлиқ муаммоли жиҳатларнинг мавжудлиги;
- барча фуқароларнинг ҳам пенсия олиш ҳуқуқига эга ёки эга бўлмаслиги;
- пенсия миқдори шахснинг яшаш минимуми даражасини таъминлашга мувофиқ бўлиши;
- фуқароларга пенсияга ёшига етиб, давлат пенсиясини расмийлаштиришдаги муаммоли вазиятларнинг вужудга келиши;
- миллий пенсия таъминоти тизимининг молиявий жиҳатдан барқарорлиги;
- миллий пенсия таъминоти тизимининг ташкилий-иқтисодий асослари.

Юқорида келтирилган муаммоларни атрофлича кўриб чиқиш, уларни жаҳонда намуна сифатида белгиланган мезонлар билан, бошқа мамлакатлар кўрсаткичлари билан ўзаро таққослаш орқали аниқлаш ва баҳолаш зарур.

Пенсия тизимиға оид тадқиқотларнинг аксариятида тизимдаги муаммоларнинг бош сабаби сифатида белгиланган пенсияга чиқиш ёши ҳамда ахолининг умр кўриш даври ўртасидаги тафовутнинг кенгайиб бориши кўрсатилади. Бу тафовутнинг кенгайиб бориши инсонларнинг умр кўриш давомийлигининг узайиши, туғилиш кўрсаткичларининг пасайиши, мамлакатнинг меҳнатга лаёқатли қисмининг миграцияси кабилар билан боғлиқдир.

БМТ ҳисоб-китобларига кўра, «жаҳон ахолиси таркибида 65 ёшдан катталарапнинг улуши 1990 йилдаги 6 фоиздан 2019 йилда 9 фоизга кўтарилиган, прогнозларга кўра 2050 йилга бориб 16 фоизга етади»[13]. Жаҳон миқёсида ўртача умр кўриш давомийлиги эркакларда 69,9 ва аёлларда 74,7 ёшга етди. «Фертиллик даражаси аксинча қисқариб бориши кузатилмоқда, хусусан, жаҳонда 1990 йилда 3,0 ни»[14], «2019 йилда 2,5 ни ташкил этган, 2050 йилда 2,2 га тушади»[15]. Барча халқаро ташкилотларнинг ҳисоб-китобларида умр кўриш даври шиддат билан узайиб борганлиги ва давом этиши, фертиллик даражасининг эса пасайиб борганлиги ва бориши қайд этилади.

**1-жадвал****Жаҳоннинг баъзи мамлакатларида демографик омиллар ўзгаришлари ва уларнинг пенсия тизимига таъсири[16]**

.	Мамлакатлар	1991 йил	2010 йил	2019 йил	2050 йил
<b>I</b>	<b>Ўртача умр кўриш давомийлиги (йил)[17]</b>				
1	Германия	75,98	80,4	81,1	85,26
2	АҚШ	75,65	78,9	78,8	83,1
3	Россия Федерацияси	66,58	70,3	72,3	76,6
4	Япония	79,42	83,3	84,4	87,9
5	Саудия Арабистони	70,11	74,4	74,9	79,3
6	Камерун	52,6	56,3	58,8	66,4
7	Ўзбекистон	66,27	70,2	71,5	74,7
<b>II</b>	<b>Фертиллик кўрсаткичи (бирликда)</b>				
1	Германия	1,30	1,39	1,6	1,7
2	АҚШ	2,03	1,9	1,8	1,8
3	Россия Федерацияси	1,55	1,66	1,8	1,8
4	Япония	1,48	1,4	1,4	1,6
5	Саудия Арабистони	5,55	2,85	2,3	1,7
6	Камерун	6,22	4,8	4,5	3,1
7	Ўзбекистон	3,95	2,5	2,4	1,9
<b>III</b>	<b>65 ёшдан ошганларнинг жами аҳолидаги улуши (%да)[18]</b>				
1	Германия	15,1	20,6	21,6	30,0
2	АҚШ	12,7	13,0	16,2	22,4
3	Россия Федерацияси	10,6	13,1	15,1	22,9
4	Япония	12,3	22,5	28,0	37,7
5	Саудия Арабистони	2,8	3,0	3,4	17,2
6	Камерун	3,4	2,8	2,7	4,5
7	Ўзбекистон	4,2	4,5	4,6	12,2

Куйидаги 2-жадвал маълумотларига кўра, 2010-2021 йиллар давомида иқтисодиётда бандлар сони 17 фоизга ўсган бир пайтда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони 24,2 фоизга ошган. Худди шу даврда 55 ёшдан ошган аёллар ва 60 ёшдан ошган эркаклар сонининг ўсиш даражаси 80,4 фоизга тенг бўлган. Мазкур йилларда 55 ёшдан ошган аёллар ва 60 ёшдан ошган эркаклар сонининг ўсиш суръати пенсия ва

ижтимоий нафақа олувчилар сонининг ўсиш суръатидан юқори бўлган, бир вақтнинг ўзида пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сонининг ўсиш суръати иқтисодиётда бандлар сонининг ўсиш суръатидан юқоридир. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 2010-2021 йиллар давомида 55 ёшдан ошган аёллар ва 60 ёшдан ошган эркаклар сони мунтазам ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган.

**2-жадвал****Миллий пенсия таъминоти тизимининг асосий кўрсаткичлари[19]**

№	Кўрсаткичлар	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
1.	Жами аҳоли, млн. киши	30,5	31,0	31,5	32,1	32,6	33,2	33,9	34,5
2.	Иқтисодий фаол аҳоли, млн. киши	13,5	13,7	14,0	14,3	14,6	14,8	14,7	15,0
3.	Иқтисодиётда бандлар, млн. киши	12,8	13,0	13,2	13,5	13,2	13,5	13,2	13,6
4.	Пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар, минг киши	3119,5	3203,9	3324,2	3488,9	3690,3	3878,4	4029,3	4056,8
5.	55 ёшдан ошган аёллар, минг киши	1672,7	1764,8	1866,3	1972,6	2077,4	2184,8	2293,1	2393,1
6.	60 ёшдан ошган эркаклар, минг киши	889,4	932,2	982,8	1041,4	1104,4	1181,1	1259,9	1331,5
7.	Ўртача ойлик иш ҳақи миқдори, минг сўмда	1017,9	1171,6	1293,8	1453,2	1822,0	2324,5	2660,0	3200,0
8.	Тайинланган ўртача ойлик пенсия миқдори, минг сўмда	404,3	438,2	494,2	556,8	640,5	733,2	848,5	924,7
9.	Ўртача умр кўриш давомийлиги, йилда (ёш)	73,4	73,6	73,8	73,7	74,6	75,1	73,4	74,6

2010-2021 йиллар мобайнида барча омилларнинг таъсири остида тайинланган ўртача ойлик пенсия миқдори 5,38 мартаға ўсган бир шароитда ўртача ойлик иш ҳақи 6,34 мартаға ўсган, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг ўсиш суръатидан юқори бўлган. Бу ва юқорида қайд этилган ҳолатлар пенсия таъминоти тизимида истиқболга қаратилган самарали ислоҳотлар йўналишларини тадқиқ қилиш заруриятини янада ошироқда.

Умуман, пенсионерлар сонининг ўсиб бориши

аҳолининг табиий кўпайиши даражасининг юқорилиги ҳамда умр кўриш даврининг узайиб бораётганлигини кўрсатади. «1991-2020 йиллар давомида, яъни 30 йил ичida туғилишлар сони 16,4 фоизга ошган»[20]. Бу эса авлодлар бирдамлигига асосланган пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш, пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан зарур чоралар кўрилишини тақозо этади.

2010 йилда аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 73 йилни ташкил этган бўлса, 2021

йилга келиб бу күрсаткич 74,6 йилга тенг бўлган. «2025 йилга бориб, аҳолининг ўртacha умр кўриш давомийлиги 76,4 ёшга етиши прогноз қилинган»[21]. Айrim мамлакатларда бу кўрсаткичнинг даражаси анча юқори. Чунончи, «Японияда умр кўриш давомийлиги 85, Италияда 84, Жанубий Кореяда 81,3, АҚШда 79,1, Туркияда 75,5 ва Грузияда 75,1 йилни ташкил этмоқда»[22].

Биламизки, давлатнинг жамият олдидаги муҳим вазифаларидан бири ижтимоий таъминот бўлиб, бу давлатнинг бош қонун хужжатларида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, «ҳар ким қариганда, меҳнатлаёқатини йўқотганда, шунингдек бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга»[23] лиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган. Давлатнинг айнан мана шу вазифасини таъминлаш мақсадида миллий пенсия тизимлари ташкил этилади.

Мамлакатларнинг миллий қонунчилигида ижтимоий таъминотга муҳтоjликни белгиловчи бир қанча мезонлар мавжуд. Бу мезонлар мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий, демографик ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда жорий этилган. Хусусан, пенсия олиш ҳуқуқи учун белгиланган асосий мезонлар: пенсия ёши ёки меҳнат қилиш лаёқатини йўқотганлиги, белгиланган меҳнат стажи ёки пенсия суғуртасида иштирок этганлиги кабилардир. Мазкур

мезонларга жавоб бермайдиганлар пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар. Лекин, қонунчилиқда меҳнат стажига эга бўлмаган ёхуд пенсия суғуртасида иштирок этмаган муҳтоj фуқаролар ҳам қариганда, меҳнат қилиш лаёқатини йўқотганда, бокувчисини йўқотган ҳолларда давлатдан ижтимоий таъминот олишлари мумкинлиги белгиланган, бу эса қонунчилиқда «ижтимоий нафақа», «ижтимоий ёрдам» ёки «ижтимоий пенсия» каби номлар билан юритилади, фақат бундай тўловлар қатъий белгиланган минимал миқдорларда ҳамда муҳтоj бўлганларга берилади.

Пенсия таъминоти тизимида жамият учун энг аҳамиятли ижтимоий масалалардан бири бу аҳоли барча қатламининг пенсия суғуртаси тизимида иштирок этаётганлиги ҳамда уларнинг ижтимоий таъминот тизимига қамраб олинганлигидир. Буни аниқлаш учун адабиётларда «қамров даражаси» индикатори қўлланилади.

«Қамров даражаси» фоизларда ёки коэффициентларда ҳисобланади, мамлакат жами аҳолисининг қанча қисми ҳеч бўлмагандан битта ижтимоий таъминот тизимига қамраб олинганлигини ҳамда улар кексайганда, меҳнатга лаёқатсизлик юзага келганида, ишсиз қолганида ва бошқа ҳолларда турмуш кечиришлари учун ҳукумат томонидан кафолатланган тўловларни олишларини англатади.

### 3-жадвал

#### Жаҳоннинг баъзи мамлакатларида пенсия ёшидан ошган аҳолининг пенсия билан қамраб олинганлик даражаси[20]

№	Мамлакат номи	Қамров даражаси (жами аҳолига нисбатан фоизда)
1	Германия	99,5 (2016 й)
2	АҚШ	76,1 (2016 й)
3	Россия Федерацияси	90,1 (2019 й)
4	Япония	98 (2019 й)
5	Камерун	8,7 (2016 й)
6	Ўзбекистон	42,7 (2019 й)

Халқаро Меҳнат ташкилоти расмий маълумотларига таянадиган бўлсақ, таҳлил учун танлаб олинган мамлакатларда аҳолининг ижтимоий таъминотга қамраб олиниш даражаси ҳеч қайси мамлакатда тўлиқ қамраб олинмаган. Саудия Арабистонининг расмий маълумотлари берилмаган. Биламизки, ижтимоий таъминот тизимининг асосий сегменти пенсия таъминотидир. Шу нуқтаи назардан мазкур жадвал пенсия таъминотига аҳолининг қай даражада қамраб олинганлигининг умумий ҳолатини ифодалайди, деб ҳисоблаймиз. Жадвалдан англашимиз мумкинки, Германия ва Япония аҳолисининг 99,5 ва 98 фоизи ижтимоий таъминотга муҳтоjлиги юзага келса, турмуш кечириши учун кафолатланган ижтимоий тўлов (пенсия)га эга бўлади, бу кўрсаткич АҚШда 76,1 фоиз, Россия Федерациясида 90,1 фоизга tengdir. Камерун мамлакатида атиги 8,7 фоиз аҳоли ижтимоий таъминот тизимига қамраб олинган. Бу борада Ўзбекистондаги вазият 42,7 фоизга тенгdir, бундан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон аҳолисининг 57,3 фоизи (ярмидан кўпи) ижтимоий таъминотга муҳтоj бўлган ҳолларда кафолатланган даромад

манбаига эга эмас. Бу эса ҳукумат томонидан жиддий пенсия ва ижтимоий ҳимоя ислоҳотларни амалга ошириш зарурлигини билдиради.

Яшаш минимуми аҳолининг турмуш даражасини кўрсатувчи муҳим мезондир. Бу мезон баъзи иқтисодий адабиётларда «тириклик қиймати» деб ҳам таърифланган. «Тириклик қиймати» – истеъмол саватини ташкил этувчи товар ва хизматлар тўпламининг жами бозор нархи, яъни уларни харид қилишга кетадиган пул миқдоридир»[22]. Яшаш минимуми умумий ҳолда инсоннинг нормал турмуш кечириши учун зарур маҳсулот ва хизматларнинг пулдаги ифодасидир. Мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий ҳолат, инсон саломатлиги учун зарур бўлган бирламчи маҳсулот ва хизматларнинг минимал ҳажмларидан келиб чиқсан ҳолда яшаш минимуми белгиланади. Бу жиҳатдан яшаш минимуми миқдори ва ҳисобланиши мамлакатда қабул қилинган истеъмол саватчасига киритилган маҳсулот ва хизматлар сони ва миқдоридан келиб чиқиб, бошқа мамлакатницидан қисман фарқ қилиши мумкин. Бироқ, моҳият деярли ўзгармайди. Яшаш минимуми даражаси миллий статистикада, халқаро

ташкilotларнинг статистик-таҳлилий ҳисоботларида ҳисоблаб борилади.

Пенсияга чиқувчilar учун пенсия таъминоти тизимидағи эң ёқимсиз ва эътиrozли жиҳат пенсияни тайинлаш ва ҳисоблаб чиқаришдаги муаммоли жиҳатлардир. Буларга пенсия тайинлаш учун асос бўлувчи хужжатлар сонининг кўплиги, меҳнат стажи ва ойлик иш ҳақи миқдорини аниқлашдаги қийинчиликлар, пенсия тайинлаш учун хужжатларни тўплаш учун кўп вақт талаб қилиниши ҳамда уларни топишнинг қийинлиги кабилардир.

Амалдаги қонунчиликка кўра, мамлакатимизда пенсия тўловларини молиялаштирувчи Пенсия

$$O'PM_t * PS_t \leq \sum_{i=1}^k (MHF_t * ISS_t) + \sum_{m=1}^n (QIST_t * QISS_t) + \sum_{z=1}^l (IBT_t * IBS_t) + T_t + e \quad (1)$$

Мазкур тенгламанинг ўзгартирувчilari тавсифи:  $O'PM_t$  – t-даврдаги ўртача пенсия миқдори;  $PS_t$  – t-даврдаги пенсионерлар сони;  $MHF_t$  – t-даврдаги меҳнат ҳақи фонди;  $ISS_t$  – t-даврдаги ижтимоий солиқ ставкаси,  $MHF_{ta}$  нисбатан фоизларда;  $QIST_t$  – t-даврдаги қатъий ижтимоий солиқ тўловчilar сони;  $QISS_t$  – t-даврдаги қатъий ижтимоий солиқ ставкаси;  $IBT_t$  – t-даврдаги ихтиёрий бадал тўловчilar сони;  $IBS_t$  – t-даврдаги ихтиёрий бадал ставкаси, қатъий

$$PX_t = \sum_{i=1}^{PS_{YDP}} YDPM_t + \sum_{i=1}^{PS_{NP}} NPM_t + \sum_{i=1}^{PS_{BYP}} BYPM_t \quad (2)$$

Бу ерда:  $YDPM_t$  – t-даврдаги ёшга доир пенсия миқдори;  $NPM_t$  – t-даврдаги ногиронлик пенсияси миқдори;  $BYPMt$  – t-даврдаги бокувчини ийғотганлик пенсияси миқдори;  $PS_{YDP}$  – t-даврдаги ёшга доир пенсионерлар сони;  $PS_{NP}$  – t-даврдаги ногиронлик пенсияси оловчilar сони;  $PS_{BYP}$  – t-даврдаги бокувчини ийғотганлик пенсияси оловчilar сони.

Хозирги кунда пенсия таъминотининг амалдаги ҳолатидан келиб чиқиб, таҳлилларни амалга оширишда юқоридаги дифференциаллашган

$$\text{LnTP} = 6.87069 * \text{LnA55} - 3.79362 * \text{LnE60} + 2.24609 + e$$

Бу ерда:  $\text{LnTP}$  – йил давомида тайинланган пенсияларнинг натурал логарифланган қиймати;  $\text{LnA55}$  – пенсия ёшидаги аёлларнинг жами аёллар сонидаги улушкининг натурал логарифланган қиймати;  $\text{LnE60}$  – пенсия ёшидаги эркакларнинг жами эркаклар сонидаги улушкининг натурал логарифланган қиймати;  $\text{const}$  – бoshланғич қиймат;  $e$  – ҳисобга олинмаган омиллар.

Тузилган тенгламанинг детерминация коэффициенти 0,9336 га teng бўлиб, ҳосил қилинган модел орқали йил давомида тайинланадиган пенсиялар сони ўзгаришининг 93,36 фоизини тушунтириш мумкин.  $\text{LnA55}$ нинг олдида турган коэффициент (6,87069) – пенсия ёшидаги аёлларнинг

жамғармасининг даромад ва харажатлари баланслашган ҳолатида бўлиши зарурлиги белгиланган. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари эса асосан меҳнат ҳақи фондига нисбатан белгиланган ставкаларда ҳисобланувчи ижтимоий солиқ ва давлат бюджети трансферлари ҳисобига шаклланади. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш узоқ муддатли даврда тизим даромадларининг унинг харажатларини қоплашга етарли миқдорда бўлишини тақозо этади. Мазкур жараённи математик жиҳатдан қуйидагича тасвираш мумкин:

миқдорларда;  $T_t$  – t-даврдаги Давлат бюджети трансферлари;  $e$  – бошқа ҳисобга олинмаган омиллар.  $i, k, m, n, z, l$  – бир турдаги ўзгарувчilarнинг дифференциаллигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Жами пенсия харажатларини пенсия турлари кесимида ҳисоблашнинг дифференциал тенгламаси қуйидагича бўлади:

формулалардан фойдаланиш мумкин. Юқоридаги формуулалар амалдаги пенсия таъминоти тизими кўрсаткичлардан келиб чиқиб шакллантирилган.

Пенсия тизимига, хусусан, пенсионерлар сонига таъсир қилувчи муҳим омил шубҳасиз аҳолининг ўртача умр кўриш давридир. Тадқиқотимизда пенсионерлар ва нафақа оловчilar сонининг ўзгаришига умр кўриш давомийлиги билан боғлиқлик тенгламасини Ўзбекистондаги 2010-2021 йиллар статистик кўрсаткичлари асосида ҳосил қиласиз (3 формула).

$$(3)$$

жами аёллар сонидаги улушкининг 1 фоизга кўпайиши (камайиши) тайинланадиган пенсиялар сонининг 6,87 фоизга кўпайиши (камайиши)ни,  $\text{LnE60}$  нинг олдида турган коеффициент (-3,79362) пенсия ёшидаги эркакларнинг жами эркаклар сонидаги улушкининг 1 фоизга кўпайиши (камайиши) тайинланадиган пенсиялар сонининг 3,79 фоизга камайиши (кўпайиши)ни ифодалайди. Мазкур модел асосида шакллантирилган прогнозларни кушидаги 2-расмда акс эттирамиз.


2022-2027 йилларда тайинланувчи пенсиялар сони ортиб бориш тенденциясига эга бўлиши кутилмоқда, бироқ прогнозда 2022 йилда тайинланувчи пенсиялар сони ҳар уччала ҳолда ҳам 2021 йилдаги кўрсаткич

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

(330450)дан камроқ бўлади, деб башорат қилинган. 2023 йилдан бошлаб тайинланувчи пенсиялар ҳар уччала сценарий бўйича 2021 йилдагидан кўп бўлади. Буни қўйидаги 2-расмда ёрдамида тасвирлаймиз. Прогнозлардан кўринадики, 1-сценарий бўйича

прогнозда 2027 йилда 432411 та, 2-сценарий бўйича эса 505415 та, 3-сценарий бўйича эса 376670 та пенсия тайинланади. Бу 2021 йилдаги кўрсаткичлардан мос равишида 31, 53, 14 фоизга кўпdir.



2-расм. 2022-2027 йилларда тайинланувчи пенсиялар сони прогнозлари[28]<sup>3</sup>

Бундан хуносат қилинганда, давлат пенсия таъминоти тизимини ҳам келгуси йилларда мазкур ўзгаришларга мос ҳолда ташкил этиш, бунда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш, пенсия тизими моделини ислоҳ қилиш, пенсия суғуртасини барқарор ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

## Хуносат ва таклифлар

Тадқиқот натижалари асосида миллий пенсия таъминоти тизимида қўйидаги муаммолар мавжудлигини қайд этиш мумкин: бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш; иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия олувчилик салмоғининг юқорилиги; хусусий пенсия таъминоти тизимини ташкил этиш; муносиб пенсия миқдорларига эришиш; пенсия тайинлашда иш стажини ҳисобга олиш билан боғлиқ муаммолар. Тадқиқот натижаларига асосланиб, ушбу муаммоларнинг ижобий ҳал этилишида қўйидаги чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади:

1. Пенсия таъминотидаги энг муҳим ва долзарб миаммо бу – фуқароларимизнинг пенсия таъминоти тизимида қамраб олинмаганлигидир. Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ўзбекистоннинг атиги 42,7 фоиз аҳолисигина ижтимоий таъминот тизимида қамраб олинган ва иштирок этмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда, фуқароларни ижтимоий таъминот тизимида иштирок этишини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган шахсларнинг ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан

хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга оширган даврлари ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турларига тенглаштириш ва унга ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган солиқларни тўлаш ҳамда пенсия миқдорини ҳисоблаш тартибларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

2. Пенсия миқдорига қўйиладиган асосий талаб шундаки, унинг миқдори мамлакатда тирикчилик учун етарли деб қабул қилинган минимал миқдорлардан кам бўлиши мумкин эмас. Дунёning тараққий этган мамлакатларида яшаш минимум миқдорлари ишлаб чиқилган ҳамда пенсиялар миқдорлари мазкур миқдордан кам бўлмаслиги таъминланади, бироқ дунёning кўплаб паст даромадли мамлакатларида бу мезон ҳали ҳам ишлаб чиқилмаган. Шуни инобатга олган ҳолда пенсия ва нафақаларнинг минимал миқдорларини минимал турмуш кечириш миқдорларидан кам бўлмаслигини таъминлаш зарур.

3. Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-куватлаш механизmlарини янада таомиллаштириш мақсадида ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдоридан паст бўлган ногиронлик пенсиялари миқдорини 698 минг сўмгача етказиш орқали ногиронлик пенсиялари миқдорини ногиронлик нафақаси билан тенглаштириш мақсадга мувофиқдир.

4. Ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги меҳнат фаолияти даври кейинчалик пенсияни қайта ҳисоблашда меҳнат стажига кўшилмайди, бироқ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий турмуш фаровонлигини ва моддий таъминотини янада яхшилаш мақсадида I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсияси

<sup>3</sup> Муаллиф томонидан эконометрик модел асосида тузилган.

тайинланганидан кейинги ишланган вақтни иш стажига қўшиб ҳисоблаш ва пенсия миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

5. 2010-2021 йиллар кўрсаткичлари таҳлилларидан кўринадики, 2027 йилга бориб тайинланувчи пенсиялар сон 2021 йилга нисбатан 31 фоизга ортади бу эса давлат пенсия таъминоти тизимини ҳам келгуси йилларда мазкур ўзгаришларга мос ҳолда ташкил этиш, бунда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш, пенсия тизими моделини ислоҳ қилиш, пенсия суғуртасини барқарор ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

6. Мамлакатимизда фуқароларнинг пенсия ва нафақаларини ўз вақтида молиялаштирилиши ва тўланиши ғоят муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсияларини банк карталари орқали олувчиларга ҳар ойлик пенсия пулининг 1 фоизи миқдорида қўшимча тўлов эвазига тўлов тизимининг замонавий усулларини кенг жорий этиш орқали пенсия нафақа, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш ва етказиб беришда фуқароларга қулай шарт-шароитларни яратиш таъминланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Оценка системы социальной защиты в Узбекистане. На базе основного диагностического инструмента (CODI)/ Совместный отчет МОТ, ЮНИСЕФ и Всемирного банка, 2020. – С. 4.
2. Pensions at a Glance 2019: OECD and G20 Indicators, OECD (2019), OECD Publishing, Paris, <https://doi.org/10.1787/b6d3dcfc-en>. – 224 р.
3. Bloom, D.E., Chatterji, S., Kowal, P., Lloyd-Sherlock, P., McKee, M., Rechel, B., Rosenberg, L., Smith, J.P. Macroeconomic implications of population ageing and selected policy responses. Volume 385, Issue 9968, 14 February 2015, Pages 649-657. The Lancet
4. Safaralievich, M.B. Directions of development of the pension provision system of citizens in the Republic Of Uzbekistan. Volume 29, Issue 8 Special Issue, 19 April 2020, Pages 62-78. International Journal of Advanced Science and Technology.
5. Goh, S.K., McNown, R., Wong, K.N. Macroeconomic implications of population aging: Evidence from Japan. Volume 68, June 2020, Article number 101198 Journal of Asian Economics.
6. Papapetrou, E., Tsalaporta, P. The impact of population aging in rich countries: What's the future? Volume 42, Issue 1, January - February 2020, Pages 77-95. Journal of Policy Modeling.
7. Ражабов Ш. Пенсия жамғармалари активларини тасарруф қилишнинг молиявий стратегиялари. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий-электрон журнали. №6, декабр, 2019.
8. Турсунов Ж.П. Давлат пенсия таъминотини такомиллаштиришда Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий-электрон журнали. №2, апрел, 2020.
9. Хамдамов Ш.К. Фуқаролар ёшига доир пенсия таъминоти билан боғлиқ рискларни баҳолаш. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий-электрон журнали. №2, апрел, 2020.
10. Маматов Б.С. Мехнат стажи ва иш ҳақи – келажакда пенсия миқдорини аниқлашнинг муҳим омиллари. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий-электрон журнали. №2, апрел, 2020.
11. Шолдаров Д.А. Ўзбекистонда пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш омиллари. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий-электрон журнали. №2, апрел, 2019.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 21 ноябрь куни аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишиланган йиғилиши. <https://uza.uz/oz/posts/aholini-ijtimoiy-muhofaza-qilish-sohasida-yangi-tizim-joriy-21-11-2019>.
13. World Population Ageing 2019. Department of Economic and Social Affairs Population Division. United Nations New York, 2020. Р.:2. [https://www.un.org/development/desa/pd/sites/www.un.org.development.desa.pd/files/files/documents/2020/Jan/un\\_2019\\_worldpopulationageing\\_report.pdf](https://www.un.org/development/desa/pd/sites/www.un.org.development.desa.pd/files/files/documents/2020/Jan/un_2019_worldpopulationageing_report.pdf)
14. World Fertility Report 2015. Department of Economic and Social Affairs. United Nations New York, 2017. – Р. 4.
15. <https://data.un.org>
16. <https://data.worldbank.org>
17. <https://xs.uz>
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.
19. Программа развития Организации Объединённых Наций (ПРООН) / United Nations Development Programme (UNDP). Life Expectancy Index 2020. Рейтинг стран мира по средней продолжительности жизни 2020.
20. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 39-модда. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019-й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019-й., 03/19/563/3685-сон).
21. <https://www.ilo.org>
22. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2014. – 424 б.